

ОИЛА КУНДАЛИГИДАН

Бир фарзандни вояга етказиш, тирноқни суғуриб олиб, қайта ўсиб чиқишини кутишдан кўра мушкулроқдир.

“Рўзғор ғор” дейишади. Танбал эр эса шу ғорнинг оғзига тиқилиб қолган тиқинга ўхшайди.

Эрнинг мушти тўқмоқдир, хотин ўқи ўқлоқдир.

Оилада маслаҳатлашмай қилинган иш, гуручсиз дамланган ош кабидир.

Мевалар шоҳи анор. Чунки табиатнинг ўзи унга тож кийдирган. Балки, уни оилага менгзашганининг сабаби шундандир.

Оила мустаҳкам қалъа. Унга илк тошни отувчилар – совчилар. Курук қўл билан қайтиши унинг мағлубияти, ғалабаси эса – шу кўрғоннинг маликасини ўзлари билан олиб кетишидир.

Қайнота ҳаво. Оила мусаффолигини таъминлаш маъсулияти унда. Қайнона тупроқ. Унинг лойи асли тупроқдан олингани учун сабрли. Ўғил сув. Ота ва онага ҳаёт бахш этиб турувчи манбаа. Келин қай бир манзиллардан елиб келувчи шамол. Фарзанд эса, шу тўрт унсурнинг бағрида муаллақ турган Нилуфар гулидир.

Фарзанднинг ота-она олдида “болам” дейиши уят, аммо отанинг жигаргўшалари олдида “отамлашиши”чи?

Бешикда алла тинглаётган бола, дастурхон бошида дуо ўқиётган она, қайнотага чой узатаётган келин, қайнотанинг қўлидан кетмонини олаётган куёв – бош ёрилса, чопқи тушган кундадир, ўзбегимнинг ўзбеклиги шундадир.

Тандирдан узилган ноннинг тафти, янги тушган келиннинг ҳарорати кабидир.

Махсума ОҚЎЗИЕВА

